

Da'vat

**Билимнинг ил-
дизи аччиқ, ле-
кин меваси ши-
рин.**

АРАСТУ

JUMLADA JAHON

• **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов** Оксарой қароргоҳида "Кейс-Нью Ҳолланд" корпорацияси директорлар кенгаши раиси Жан Пьер Россо раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

• **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида Президент Ислам Каримовнинг** иккинчи чақирғиқ Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасини ўрганишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• **Россия Федерацияси Президенти** вазифасини бажарувчи Владимир Путин ҳамда Украина Президенти Леонид Кучма Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовни туғилган кун билан самимий кўтлаб, Ўзбекистон — Россия, Ўзбекистон — Украина муносабатлари бундан кейин ҳам самарали тарзда ривожланишига қатъий ишонч билдирдилар.

• **Косон туманида "Мастердон"** Ўзбекистон - Кипр қўшма корхонаси иш бошлади.

• **Мисрнинг "Ижипт эйр"** ҳаво йўллари компанияси раҳбари Муҳаммад Фаҳим Райан АҚШ мутахассисларининг "Боинг-767" самолёти учувчининг айби билан ҳалокатга учрагани ҳақидаги баёнотини қўллаб-қувватлади.

• **Дунёдаги энг бадавлат киши** ҳисобланган Билл Гейтс ва унинг рафиқаси Мелинда хайрия учун яна 5 миллиард АҚШ доллари ажратиб қарор қилди.

• **Сенегалда Африкада биринчилардан бўлиб**, хорижда яшайётган собиқ давлат раҳбарини суд қилиш жараёни бошланди.

• **Покистоннинг Карачи шаҳрида** суд биносида портлаш содир бўлди.

• **Украинадаги Скачинский номли шахтада рўй берган портлашдан зарар кўрган 5 нафар** қончининг тақдири ҳанузга қадар номаълум бўлиб турибди.

Халқимизда "от ўрнини той борсар", деган аjoyиб нақл бор. Бу ибора ота касбини давом эттирадиган фарзандга нисбатан ишлатилади. 55 йил ўрта мактабда математика ўқитувчиси бўлиб ишлаган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Тошвой Каримов ўғли Раҳматилланинг ТошДунинг математика факультетида ўқишга кирганида ўз касбидан яна бир бор фахрланиб, дуо қилди. Ота дуосида эса гап кўп...

Раҳматилла тўғри йўлни танлаган эди, кам бўлмади. Ўқишни ту-

ИХТИРОЧИ ЎҚИТУВЧИ

гатиб, пойтахтдаги 4-ўрта мактабда 22 йилдан бери меҳнат қилмоқда. Мана, ўнинчи йилдирки, у мактабнинг илмий бўлим мудири вазифасида хизмат қилиб келаётди. Ижодкор ўқитувчининг республика матбуотида 15га яқин ижодий мақолалари эълон қилинган. Шунингдек, Р.Каримовнинг мунтазам ишлаб турадиган тўғарак машғулот тавжуд. Кўплаб шоғирдлари туман, шаҳар олимпиадаларида муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

Ўтган йили Раҳматилла Каримовнинг "Стереометрик фигуралар учун универсал қурилма" ва "Фазовий Декарт координаталар сис-

темаси" номли илмий-методик ўқув кўргазмалари қуриллари мутахассислар томонидан ихтиро, деб тан олинди ва Давлат патент идораси бу ишларига патент берди. Ушбу ўқув қуриллари Халқ таълими вазирлиги тавсияси билан "Тошавтоматика" заводига кўп нусхада тайёрланиб, Рес-

публика мактабларига тарқатилди. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочилиси, "Фидойи ўқитувчи" нишони совриндори, бир қатор фахрий ёрлиқлар соҳиби Раҳматилла Каримов мамлакатимиз мустақиллигининг 8 йиллиги байрами арафасида Республикаимиз Президенти фармони

билан "Меҳнат шухрати" ордени билан мукофотланди. Мукофот ҳеч кимга ўз-ўзидан берилмайди. Бунинг замирида улкан меҳнат мужассам.

Шерали НИШОНОВ

Р.АЛБЕКОВ олган сурат.

"Meнnat shuhrati" ordeni sohiblari



2000 yil — Sog'lom avlod yili

"Мактаблар куни"да 5 минг нафарга яқин раҳбар ва мутахассислар иштирок этди. 3500 соат дарс таълил этилди. 40 миллион сўмлик ҳимойлик ёрдами кўрсатиладиган бўлди. Жумладан:

— "Бухорога" ҳиссадорлик жамияти шаҳардаги 30-, 12-мактаблар мебелларини янгилаш ва биносини таъмирлашни ҳамда барча мактаблар компьютер техникасига хизмат кўрсатишни ўз зиммасига олди.

— Бухоро "Автотеххизмат" бирлашмаси 15-мактаб синфхоналари полини янгилашга ваъда берди.

— "Ўзбекистон почтаси" ҳиссадорлик жамиятининг Бухоро бўлими 11-мактабга 2 донна компьютер олишга ҳамда ободонлаштириш ишларига кўмаклашишга қарор қилди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси 10-мактабга янги парталар олиши учун 1 миллион сўм ажратадиган бўлди.

ТАШАБУСНИНГ ТУФИЛИШИ

Бухоролик халқ таълими ходимлари тизимда туб ислохотларни амалга ошириш, фаолиятта янги педагогик технологияни тобора кенгрок жорий этиш, ёшларни камол топтириш борасида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижаси уларок, вилоят мактаблари битирувчилари мана икки йилдирки, республикамиз олий ўқув юртиларига кириш учун тест синовларида жавоблар самардорлиги бўйича республикада юқори курсаткичларга эришишпти. Умумий урта таълим ўқув фанлар бўйича ўқув-

БУХОРОДА "МАКТАБЛАР КУНИ" ёхуд ҳар ойнинг учинчи душанбасида вилоятда ўтказилаётган "Мактаблар куни"нинг илк натижалари хусусида

чиларнинг республика олимпиадаларида ҳам бухоролик ёшлар юқори уринларни эгаллаб келмоқда. Ҳар бир жамолада уз касбига фидойи, илгор тажрибаларни уз меҳнат фаолиятида қўллаётган қўлаб педагогларни учратиш мумкин. Янги тилдаги ўқув муассасалари сони йилдан-йилга кўпайиб бораётди. Янги мактаб бинолари барпо этилмоқда. Уларнинг замонавий компьютер техникаси, ўқув жиҳозлари билан таъминланиши тобора яхшиланаётди. Педагог ходимлар малакасини муттасил ошириш, таълимни жаҳон андозалари даражасига кўтариш борасида бой тажриба ортирилмоқда.

Лекин ўтган йили вилоят ўқитувчиларининг аънаваний Август кенгашида асосий диққат-эътибор тизимда эришилётган ютуқларга эмас, камчилик ва нуқсонларга, мавжуд муаммоларга қаратилди, улар чуқур таҳлил қилинди. Таълимни бундан ҳам юқори савияга кўтариш учун яна нималар қилиш кераклигини хусусида фикр-мулоҳаза алмашилди.

—Бугунги фаолиятимиз бизни хали қониқтирмайди, бу натижалар биз учун марра эмас, — дегани ушанда вилоят ҳокими Самоилдин Хусенов анжуман қатнашчилари хузурда сузга чиқиб. — Бу ерда очиқ айтаман. Қўпчилик раҳбарларимиз мактабдан узоклашиб кетганлар. Ҳолбуки, ҳар бир раҳбар мактаб дарди, ташвиши, нималар етишмаслигини яхши билиши, ҳис этиши, қўлдан келган, имконияти қутарган ёрдамни бериши керак. Таълим-тарбия иши, мактаб иши нафақат ўқитувчи, бевосита тизим ходимлари, балки ҳар бир раҳбар, ҳар бир ота-она, бутун жамоатчиликнинг ишидир.

Пировардида вилоят ҳокими тупланганларга барча катта-кичик раҳбарларни кенг жалб этиш мақсадига "Мактаблар куни" ташкил қилиш нияти борлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

ҚАРОР ИЖРОСИ БИЛАН КАДРЛИ

Ҳеч кимга сир эмас. Қайсидир ташаббус ва таклифлар минбарда айтилганча, ваздалар берилганча қолаверди.

Аънаваний Август кенгашида билдирилган "Мактаблар куни" ҳақидаги мулоҳазани эшитган айрим қатнашчиларнинг кунглидан эҳтимом, "бу гап шунчаки маъриди учун айтилди-да", деган уй ҳам кечгандир.

(Давоми 2-бетда)

Ўшанда у 18 ёшда

эди
3-бет

Санъат ҳаммани ҳам тарбиялай оладими?

4-бет

Munosabat

Хушхабарнинг қаноти борлиги рости. Бундан бир ойча илгари Тошкент шаҳар сайловчилари билан Президентлик сайловотида ўчрашувда Ўзбекистон Президентининг Ислам Каримов университетининг ҳаққоний тарихини тиклаш ва унга "Миллий университет" мақоми берилиши ҳақидаги фикрларини билдирган эдилар. Бу хабар бир зумда республикамизнинг чекка қишлоқларига ҳам етиб борди. Президентимиз ана шу учрашувда неча йиллардан бундан халқимизнинг юрагига қат-қат бўлиб чўкиб ётган бир тарихий ҳақиқатни баралла айтидилар. Яъни, Тошкент Давлат университети 1920 йили шуролар ҳукуматининг собиқ доҳисий имзо-

да илм-маърифатни тарғиб қилиш борасидаги олиб борган ишлари ҳақида тарихчиларимиз, қолаверса зиёлининг кўпчилиги яхши билишарди. Аммо бу ҳақда баралла айтиш, бошқаларни ҳам огоҳ этишга мустабид шўро тузумининг жиркан сийёсати асло йўл бермас эди.

Мана, кечагина матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент Давлат университетига Ўзбекистон Миллий университети мақоми бериш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди. Мазкур фармон ҳақиқатда ҳам нафақат университет педагог ва талабалари, балки республикамиз зиёлиларини гурурлантирди.

БИЗНИНГ МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТ

си билан эмас, балки 1918 йилнинг 12 майда ўзбек халқининг асл фарзанди, маърифатпарвар инсон Мунавварқори Абдурашидовнинг бошчилигидаги зиёлилар саъй-ҳаракати билан ташкил этилгани ва бу илм-фан маркази босиб ўтган шарафли йўлни қисқача таърифлаб бердилар.

Айтиш жоизки, республикамизда тарихий ҳақиқатнинг қарор топиши, дилимиздаги гапни тилимиз билан, кўркмасдан ифода этишимиз — муқаддас мустақиллигимизнинг махсусидир. Ўрта Осиёда биринчи университет Тошкент Давлат университетининг ташкил этилишига ҳисса қўшган халқимизнинг маърифатпарвар фарзандлари, уларнинг Туркистон ўлкаси-

Узоқ йиллар давомида республикамизгагина эмас, балки қўшни республикалар ва хорижий давлатларга ҳам минглаб етук мутахассислар етказиб берган университетимизни бутун дунё танийди, десак муболаға бўлмайди. Тошкент университетида таълим олган мутахассисларни дунёнинг турли минтақаларида учратиш мумкин. 80 йилдан ортиқроқ вақт давомида Шарқнинг фан ва маданият машалли бўлиб тан олинган Тошкент Давлат университетига катта тарихий йўлни босиб ўтди. Бу кўптуғ даргоҳда Қори Нисвоний, Т.Сирожидинов, Т.Зохидов, С.Сирожидинов, С.Азимов каби етук ахлома-академиклар ўқишди, меҳнат қилишди ва ўз соҳалари бўйича мактаблар яратилди. Яна қанчалар етук академик олимларимиз фан соҳасида улкан тадқиқот-

Ibrat
Навбахор туманидаги "Зарафшон" ширкат хўжалиги томонидан хўжаликда истикомат қилаётган болалар учун 844 ўринли икки қаватли янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Иштирокчи ёни дафтари

ТИРИШҚОКЛИК НАТИЖАСИ

Англиялик фуқаро Женни Витерих 83 ёшида бир неча чет тилларини пухта ўрганиб олишга аҳд қилди. 7 йиллик машғулот сўғида, яъни 90 ёшида бунга эришди ҳам. Немис, француз, инглиз ва испан тилларини тўла ўрганишга эришган Витерих бу тиллардан муваффақиятли имтиҳон топширди.

АХОЛИСИ КАМАЙМОҚДА

Статистик маълумотлар Эстония давлати аҳолисининг сезиларли равишда камайиб бораётганини кўрсатмоқда. Сўнгги ўн йилнинг ўзидаёқ, туғилишининг пасайиши ва хорижа кетувчилар сони кўпайиши туфайли мамлакатда аҳоли 126 минг кишига камайган.

МИСЛСИЗ САЛОҲИАТ

Ватикан давлатида 1774-1849 йилларда яшаб ўтган кардинал Жузеппе Каспар Меццофанти улуг тилшунос сифатида қадрланади. Маълумотларга қараганда, у 114 тилни ва 72 лаҳжани ўз тилига таржима қилган, 60 тилда бемалол гапирган ва ёза олган.

ЧЕКИШГА ҚАРШИ КУРАШ

Ҳозир Туркменистонда ўртача умр кўриш 65 ёшни ташкил этади. Ушбу кўрсаткични ўн йилга узайтириш мақсадида Туркменистон Президенти чекишни таъқиқлаш тўғрисида махсус фармон чиқарди. Унга кўра, давлат идораларида, ўқув муассасаларида, жамоатчилик жойларида чекиш қатъийан ман этилади.

лар очиб, жаҳон фанига муносиб улۇшларини қўшилди.

Тошкент Давлат университети бағридан қанчалар олиб ўқув юртилари учирма бўлиб, мустақил ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Ҳақиқатда бу оқоқол, нуфузли университетимизни пиру бадавлат оилага ўхшата бўлади.

Республикамиз Президентининг 3-бандида: "Жаҳон андозаларига мос фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, фаннинг муҳим соҳалари бўйича янги илмий мактабларни шакллантириш ва улар фаолиятини давомийлигини таъминлаш, ривожлантириш мамлакатларнинг университетлари билан илм-фан ва олий таълим

Jarayon

лаш осон кечди. Синов ишларини олиб бораётган мактабимиз ўқитувчилари ҳам масъулиятни ҳис қилган ҳоҳда ўз устларига тинмай ишлаб, рейтинг тизимини қўллаш юзасидан тажриба орттира боришпти.

Баҳолашнинг рейтинг тизими бўйича етарли даражада кўникма ва малакаларга эга бўлган ўқитувчилар синовга қўйилган иккала вариант юзасидан ўзларининг ярим йиллик хулосаларини бердилар. Қуйида мактабимизда рейтинг тизимининг иккала варианты бўйича ўтказилаёт-

баҳони кўтаришга ундайди; барча ўқув фанларидан чорак баҳолари бир хил — 100 баали тизимда чиқарилади, бу эса ўқувчилар учун ҳам, ота-оналар учун ҳам рейтинг тизимини тушуниб олишларига қулайлик туғдиради.

Шу билан бир қаторда, 1-variantнинг камчиликлари ҳам мавжуд, жорий назоратга оралик ва якуний назоратга нисбатан кам балл ажратилган. Ўқувчи асосий балани жорий назоратдан олиши керак. Ундан ташқари, якуний назоратни ҳар бир чорак охирида барча фанларидан бир вақтда якуний

РЕЙТИНГ: СИНОВ ҚАНДАЙ КЕТАЯПТИ?

афзаллик ва камчиликларини аниқлаб беришга имкон туғдирилмоқда.

Ўқув йилининг 1-чорагида ўқувчилар билимини баҳолаш жараёнига рейтинг тизимини қўллашда бирмунча қийинчиликлар туғилган эди. Бу қийинчиликларни енгишда вилоят Педагог ходимлари малакасини ошириш институти, айниқса, бизнинг тажриба-синов ишларимизга илмий раҳбарлик қилаётган мазкур институтнинг кабинет мудири В.Шарипова илмий ва методик жиҳатдан мунтазам ёрдам бериб келмоқда. Шу боис, 2-чорақда рейтинг тизими билан иш-

ган тажриба-синов ишларининг ярим йиллик юзасидан умумлаштирилган хулосалари келтирилади.

Ўқувчилар билимини баҳолашда рейтинг тизими 1-вариантининг афзаллик томонлари: жорий назоратда олинмаган ижодий ишлар ўқувчини ижодий фикрлашга чорлайди, уларнинг мантқиқий фикрлаш қобилиятини ўстиради; чораклик баҳо чиқаришда ҳар бир назорат тури бўйича баҳоларнинг ўртаси олинши ўқитувчилар учун қулайлик туғдиради; саволлар сонининг чеклаб қўйилмаганини ўқувчиларни кўпроқ изланишига ва яна юқорироқ балл олиб, ўртача

назорат ўтказишнинг имконияти йўқ. Шунинг учун чорак давомида жорий назорат ва оралик назоратнинг ўзи етарлидир.

Баҳолашнинг рейтинг тизимининг 2-variantи ҳам қатор афзалликларга эга. Жумладан, жорий назоратга кўпроқ эътибор берилиб, ажратилган баллар 50-60 фоизни ташкил этади. Бу вариант бўйича баҳолашда ўқувчилар белгиланган максимал балани йиғиб боришга интилиб борадилар, улар орасида ўзаро беллашиб, яъни рақобатни кучайтиради.

(Давоми 3-бетда)

Hay'at yig'ilishida

27-28 январь кунлари RTMa davlat ta'lim standartlari va yangi ukuv standartlari joriy etishni ta'kidlash...

past natijalariga esa Surxonlar, Sirdarlar viloyatlari va Korakallogiston Respublikasidagi 20ta yakin...

Хайят мажлисида "1999 йилда фуқаролар томонидан йўлланган ариза ва шикоятлар, озаки ҳамда ёзма мурожаатлар кутаришнинг масалалари кўриб чиқилди...

ТАШАББУС — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

ошириш ҳақида долзарб вазифалар бўйича эса ХТВ умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи муовини Шуккур Пулатов таълилий фикр...

Бу ҳусусда Халқ таълими вазири Журба Йулдошев батафсил тўхтади... Таълим шунинг курсатидики, Республикада халқ таълими тизимиде фаолият кўрсатётган ихтирослаштирилган мактаблар айрим...

Халқ таълими вазири ва аризаларни жойларда урганишда айрим ҳолларда маълумотиёзликка йўл қўйилгани натижасида фуқаролардан такрорий аризалар келиш ҳоли ҳам учрамакда...

МАҲАЛЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ

Куни кеча Республика Ёш томошабинлар театрида катта байрам бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси томонидан ташкил этилган "Маҳаллада соғлом муҳит—мактабда соғлом авлод" номли шаҳар кўрик мусобақаси ўқувчилар учун чинакам тантананага айланди...

Танловда Тошкент шаҳрининг 5 та тумани ўқувчилари 4 шарт бўйича беллашдилар. Бугунги кунда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги тарбияда яхши натижа беришнинг ҳар бир ота-она, ўқитувчи, маҳалла ахли яхши билиб олмақда...

Миробод тумани "Сариқул", Юнусобод тумани "Отчопар", Сирғали тумани "Иттифоқ", Шайхонтоҳур тумани "Лабзак" маҳаллалари болалари иштирок этган ушбу кўрикни ўтказишда "Маҳалла" жамғармаси, "Оила" илмий-амалий маркази, Ўзбекистон телевидениеси ҳамкорлиги яхши натижа берди...

Барча қатнашувчилар кўрик-танлов давомида ўз маҳорат ва қўбилитларини тўла намойиш этишди. Иштирокчилар кўрик-танлов ташкилотчилари томонидан қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

Мавлуда ХОТАМОВА

БОЛАЛАР СОҒЛИГИ - ЮРТ БОЙЛИГИ

"Соғлом авлод йили" деб ном олган ушбу йилда барча ҳойда болаларнинг соғлом, теран фикрли, мустақил тафаккурли бўлиб етишишлари учун катта ишлар қилинмоқда. Тошкент шаҳар Хамза тумани халқ таълими бўлими жамоаси ҳам шу мақсадда "Спорт байрами" тadbирини ўтказди...

Шундан сўнг мактаб-интернатда футбол, югуриш, ёш техниклар мусобақасига старт берилди. Тумандаги 204-мактабда кўл тўпи, 307 - мактабда баскетбол, 282-мактабда "Кувноқлар ва зукколар" мусобақаси ўтказилди. Ушбу тadbир шуниси билан аҳамиятлик, бунда фақат ўқувчиларнинг жисмонан соғломлигига эмас, балки ақлий соғломлигига ҳам катта эътибор қаратилди...

244-мактабда бўлиб ўтган "Мақтаб-маҳалла-спорт оиласи" номли семинар ҳам тadbир режасидаги анжуман эди. Унда ўқувчилар экологияга бағишланган кўрсатмаларни намойиш этишди. Бундай ибратли ва катта тadbирни ўтказишда халқ таълими ходимларига "Қизил ярим ой" жамияти, "Қамолот", "Соғлом авлод учун" жамғармаларининг туман бўлими катта ёрдам берди.

Шарифа МУРОДЖОН кизи

(Боши 1-бетда)

Лекин, кенг жамоатчилик олдида айтилган бу фикр исиз кетмади. Вилоятда аввал хабар қилинганидек 2000 йилдан бошлаб ҳар ойнинг 3-дуншанбаси "Мақтаблар куни", дея эълон қилинди. Уни ўтказиш тартиби, мақсад ва фаолият йўналишлари, ижросини таъминлаш механизми тўхта ва исизил ишлаб чиқилди.

Вилоят ҳокими бошчилигида мувофиқлаштирувчи кенгаши, шунингдек, бу тadbирни ўтказиш бўйича 15та илҳи гуруҳи тўзиди, унинг раҳбарлари тайинланди. Барча шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан ҳам худди шундай мувофиқлаштирувчи кенгаши ва илҳи гуруҳлари ташкил этилди...

"Мақтаблар куни" моҳиятини кенгрок тасавури қилиш учун бу ҳақда батафсилроқ тўхталмоқ жоиздир. Шу кун тadbирга жалб этилган мутасадди кишилар гуруҳларга бўлини муайян худуддаги барча мактабларда бўлилар. Дарларда иштирок этишлар, 3 кунчи иситилиши, санитария ҳолати, бўлидан суҳбатлашларидан. Мактабларнинг моддий-техник таъминлини, ўқув биноси, кутубхоналар, синф ва фан хоналари, лаборатория, ошхона, ус-тахоналарнинг ҳижозлигини, эстетик безатилишига бўғунти...

БУХОРОДА "МАКТАБЛАР КУНИ"

кун нуқтаи назаридан қаралди. Ободонлаштириш, қукалмазорлаштириш, бинонинг иситилиши, санитария ҳолати, ўқувчиларнинг ичимлик суви билан таъминланганиги текширилди...

ҲАМЖИХАТЛИКДА ХИҚМАТ КЎП

— Катта, улук ишларни ҳамжиҳатликда, кенгашиб қил қилиш қилимизнинг азалий удуми,— дейди бу тadbир моҳиятини илҳоб виллоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Салим Муртово. — "Мақтаблар куни"нинг ўтказилиши Президентимизнинг таълим тарбияда умумлақ ҳаракати бўлиши керак, деган даъватлариди, амалдаги йилнинг "Соғлом авлод йили" деб белгилашда виллоят ҳокимлигининг амалий жаваоби бўлди...

Бу тadbир тизимида янада жонланаш катта туртки берди. Эндиги бутун куч ва сабий-харакатларини уларни тўла амалга оширишга қаратилди. Таълим мутасаддиларини бўғунти бундай эътибор тизим ҳодимларини ҳам жонлантириб, фаолаштириб юборди. Ҳукуват жамията тўғунти урни, зиммасидаги масъулият юки, келажак авлодлар тақдирини олдидиги қарорларини янада юксакрок аниқлаштиришга...

Вилоят ҳокими мувофиқлаштирувчи кенгаши йилгилишда "Мақтаблар куни" яқини бўйича ҳар бир таълим мутасаддиси урин берилди, энг яхшилари тақдирланганини маълум қилди. Бу виллоятдаги маълум 527та мактаб жамоалари ўтказишга илҳоб бешлашув, илҳани, ислохот жаъранларини жалаллаштиришга, табиийки, яна бир туртки берди.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Ташаббусга ҳамма ҳам бирдай бош қушармасдиги турган гап. Кимдир вақтини қизанса, бошқа биров маблагини қизи қиймайди. Яна кимдир масалга номингана, ҳужа қуринга, нималариндир...

анлиша қилиб ёндошиши мумкин. Лекин мактаб, фарзандлар келажак, таълим-тарбияси масаласига келганда ҳамма бирдай хайрихолик курашиб астойдил илҳос билан иш тутди. Бугун болаларнинг таълимига таъминли қилиш узимизнинг эртанимиз, фардон кунларимиз туртирида қайғуртиш эканлигини теран анлади. Ҳатто айримлар таълим мутасаддиларидан ҳийла узоклашиб қолганлигинида ҳижозат чеки, узини гуноҳор қилиш узимизнинг эртанимиз, фардон кунларимиз туртирида қайғуртиш эканлигини теран анлади. Ҳатто айримлар таълим мутасаддиларидан ҳийла узоклашиб қолганлигинида ҳижозат чеки, узини гуноҳор қилиш узимизнинг эртанимиз, фардон кунларимиз туртирида қайғуртиш эканлигини теран анлади.

— "Автохестезис" Бухоро бирлашмаси жамоаси 15-мактабдаги 17та синф хонаси полини тахта билан алмаштириш тadbirlарини қуралди, — деди бирлашма бошлиғи В.Иброҳимов.

— "Ўзбекистон почтаси" ҳиссадорлик жамияти виллоят бўлими раҳбари Х.Жалилова 11-мактабта 2та компьютер техникаси олиб бериладиги, музлатгични таъминли қилиш ишларига моддий қумаклашадиган бўлди.

— "Мақтаблар куни"да шарҳдаги 10-мактаб фаолияти билан танишдик, — деди виллоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Х.Мирзахонимов. — Маълум ҳодиса бўлиши натижасида виллоят билан жиҳозлашга 1 миллион сум ҳоимлик маблагни бермади.

— Ҳукуват муҳофиза қилиш органлари билан таълим мутасаддиларини бу тахит амалий ҳамкорлиги ҳам болалар уртасида эътиборлиқликни қамқайишига олиб келиш билан бирга уларнинг қулиб қилиб билим ва маданиятларини оширишга хизмат қилди, — деди виллоят прокурорининг катта ёрдамчиси М.Вохидов.

Бундай сазоват, фарзадаларимиз тарбиясига илҳобий таътир қурастуруши омилини виллоят куламида олиб қарайдиган, "Мақтаблар куни"да юзаб маълум раҳбарлар, минглаб ҳоимий ва тadbиркорлар иштирокчи қилиш билан бирга уларнинг илҳосини таъминли қилишга олиб келиш билан бирга уларнинг қулиб қилиб билим ва маданиятларини оширишга хизмат қилди, — деди виллоят прокурорининг катта ёрдамчиси М.Вохидов.

Менинг назаримда "Мақтаблар куни"нинг сабий ҳам ибрат оласа, уларга арзилиқ томони ҳам шунда. Бу — шубҳасиз, виллоят таълими тизимида туб узгарилиш, илҳобий натижа, салмоқли яқунларнинг дебонаси бўлиб қолди.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ, "Маърифат"нинг махсус муҳбири

Chorlov TA'ILIMDA MONITORING

Мамлакатимиз таълим тизимининг барча жаҳалариде олиб борилаётган ислохотлар янгиликларни амалга жорий этишигана эмас, балки улар натижасини мунтазам назорат, тахлил қилиб, текшириб, холис ҳулоса чиқаришни ҳам талаб этади. Шу мақсадда республика Халқ таълими вазириликнинг ўз тизимидаги барча бошқарув босқичларида мониторинг хизмати ташкил этишни йўлга қўймоқда. Утган йилнинг октябр ойида Тошкентда "Мониторинг маркази"нинг, "Янги педагогик технологиялар маркази"нинг очилганилиги ҳамда шундайин марказларнинг виллоятларда, туманларда ташкил этилаётганлиги масаланинг босқичма-босқич ҳал этилаётганлигини дарак.

Албатта, қандайин янгилик бўлмасин, аввало, кишиларда унга нисбатан қўнқима, асосийси эса ундан қўзланаётган мақсадга ишончи ҳосил бўлиши шарт. Шундангина қилиниши лозим бўлган ишга дадил қўл урармиз ва уни қўнғилдайдек олиб боришга ҳаракат қиламиз. Уйлаймиқки, келгуси ҳафтанинг сешанба-chorshanba кунлари Андижон виллоятида Халқ таълим вазириликни ҳамда виллоят ҳокимлигини ташаббуси билан бўлиб ўтадиган "Давлат таълим стандартлари мониторингини олиб бориш" муаммолар, илҳанилар, ечимлар" мавзудаги амалий семинар кенгаши Сизда шундай ишончини ва қатъиятни пайдо этади. Негаки, ундан қўзланган мақсад ушбу янгиликнинг нақадар муҳимлигини аниқлаш баробарида уни амалда қандай қўллаш мумкинлигини тушутиришдан иборат.

Ўтмиш хотиралар билан қадрли. Хотиралар эса бизни икки нарсага ундайди. Бирини ўтган воқеаларнинг турли ҳолатларини эслайсиз, бирини эса улардан зарур ҳулосалар чиқарасиз. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу мақолада узок йиллар Халқ таълими вазири муовини бўлиб ишлаган, фахрий-педагог Насриддин Раҳмоновнинг 75 йиллик ҳаёт йўли давомида дуч келган воқеалар тафсилотлари, яқин ўтмишимизни эслаб, бугунимизга шукронаси билан ўртоқлашасиз.

Юз йиллик машаққатини бир қунақ қўнқоч қувиб кетади, дейдилар. Рост гап экан. Бугунги овоз, эркин қунақларини уйласам, хотирамда аччиқ из қолдирган йилларни эслақ қолмайди. Истиқлолнинг туғи, шуқуҳи баланд-да. Аммо тарих, ўтмиш воқеалар бизни хушрўйликка, утган кунлардан сабоқ чиқаришга ундайди. Шу алфозда мен ҳам хотираларимни бир-бир айтгим келди. Улар замирида Ватан, миллат фарзандлари тақдирини борлиғи ҳар сафар мени уйга содаверади.

Отам Раҳмоновнинг айтишича, 4—5 ойлигимда онам қазо қилган эканлар. Аммак Ҳамидабон менга оналик қилди, меҳр қўйди, авайлаб устиди.

1930 йиллари миллатнинг қузга қуриунган обрў-эътибори кишиларни бошга қатта мустаб ва кулфатлар тушди, уларни қулқ қилиб қамаш авжга чиқди. Отамни ҳам қамаш пайига тушишди, кечаси ҳеч кимга бойлармасдан отам узок жойга қочиб кетган.

Мени 1931 йили (олти ёшда эдим) отамнинг олдига Хатирчи туманидаги Чорпара деган қишлоққа жўнатишди. Мен отам билан яшай бошладим. Уйларини мукаммал билар эди.



Насриддин РАҲМОНОВ

1932 йили катта қурғоқчилик йили бўлиб, очарчиликка сабаб бўлди. Қишлоқнинг ярим аҳолиси очдан ўлди, менинг қуз унгимда тенгшолларимдан бир нечаси очликдан йиқилиб жон берганлар хотирамда. Уша пайтлар ГПО деган ташкилот отамни қамаш учун қидирув эълон қилгани ҳақида амакиим хабар юборибди. Биз бу қишлоқдан бошқа Қудуқ деган аҳоли яшайдиган қишлоққа қочиб кетдик.

Мен 1936 йилда 11 ёшимда қорилик даражасида эдим. Маросимларда отам менга Қуръон ўқиб, қиррот қилишни топширар эди. Мен бошимда саллача, яқтак, камзулар кийиб юрар эдим. Нуротадан амакиим Сафарбой ва аммак Ҳамидабон кечираётган отир ҳаётимизни, қасалиқларга дучор бўлганларимни мукаммал билар эди.

1945 йили менга оналик қилган меҳрибон аммак дундан утган эканлар. Қайтга ботдим. Аммамининг ҳолисиде бир узим яшай бошладим. Бироз ўқитувчи бўлиб ишладим. 1947 йили эса Самарқанд шаҳридаги Ўзбек Давлат университетига ўқишга кирдим. Моддий жиҳатдан қийналганимга қарамасдан ўқишимни муваффақиятли давом эттирдим. Мени юқори лавозимга тақилиб этишганда ҳужжатларимни тасдиқлаш учун марказга юборишди. Отам қулқ бўлганини тушайли ҳужжатларим ҳам,

узим ҳам тасдиқланмасдан қайтиб келдим. Университетда ўқишни давом эттирдим ва 1952 йили имтиёзали диплом билан битирдим. Битирганлардан 5 кишини танаб, Москвадаги илҳимий фанлар академияси қошидаги 1 йиллик қурсга жўнатишди. Бу қурсга ҳам отанг қулқ деб мени қабул қилишмади. 1953 йил декабр ойининг урталарига ҳамда кечки мактаблар бўлими бошлиғи ва кейинроқ мактаблар бошқармасининг бошлиғи лавозимларда ишладим. Орадан оз вақт ўтмасдан (1953 йил) мени Самарқанд виллоят халқ маорифи мудир лавозимига тасдиқлашди. Урушдан кейинги йиллар халқ маорифининг аҳволи отир эди. Мактаб битирим эшитиб, 1936 йили мени олиб кетиш учун Андоқ қишлоғига келишди. Замон, ҳаёт узгарганини, мени совет мактабига ўқишнинг зарурлиги, аммак тарбиясида бўлишимни отамга ўқтириб, мени

зарб масала эди. Қурилиш учун маблаг, моддий-техникавий ресурслар етишмас эди. Бу масалаларнинг барчаси Москвадан руҳсати билан ҳал бўларди. Афсуски, қўнқилик ҳолатда қўйилган масалалар паллапартиш қурилар, маориф тизимидаги танг аҳволи инобатда олишмас эди. Қўнқилик мактаб бинолари яроқсиз ҳолда, устига-устак 2-3 сменада ўқитиладиган мактаблар сони қўнқ эди. Янги мактаблар қуриш, мавжуд мактабларни ва бошқа ўқув ортлари биноларни таъмирлаш учун уларнинг эҳтиёжига яраша ўқув қуроалари, қаттиқ, юмшоқ жиҳозлар билан таъминлаш учун ниҳоятда оз маблаг ажратилган. Юқориде баён

этилган иттифоқ даражасидаги идораларнинг вақилари ва раҳбарлари билан катта мунозаралар, баҳслар олиб борилар, қўнқ масалаларни ўқитишни топмас эди. Натижада ҳар йили биз олиб борган режаларимиз қўнқ билан 50-60 фоизга бажарилган. Бизнинг йиллик талаб, эҳтиёжимиз 2 миллиард сум атрофида бўлса, бизга, яъни мактаб маориф тизимидаги атир бир миллион, бир миллиондан икки юз миллион маблаг ажратилар эди, холос. Марказдан берилган маблаг ва ресурсларни етишмаслиги сабабли, мактаб биноларининг қурилиши 5-10 йиллик давом этган.

Ўқувчиларнинг ва талабаларнинг билим даражаси териди паст эди. Сабаби пахта жудам масумида 3-4 ойлаб ўқидан қолиб пахта теришга жалб қилинар, айниқса,

Qiyos

қишлоқ ўқувчиларининг қўнқилиги йил давомида ота-онаси билан қолхоз, соҳвос далаларида ишлар, узок жойларда пахта териш учун юбориларди. Болалар касаллиғи, пахтага ишлов бериш жараёнида осмондан, ердан сепаилдиган кимёвий уғитлардан заҳарланиш ҳоллари ҳам содир бўлган. Мактаб ўқувчилари ва талабалар 9 ой урнига 5 ой, қўнқ билан 6 ой ўқишар эди. Табиийки, бундай шароитда билим даражаси дастур талабига жавоб бермай қоларди.

Бу каби ҳолатлар бир неча бор айтилган бўлса ҳам, шуларни гувоҳи сифатида хотирамдан бот-бот ўтиб туради. Яна узимга савол бераман, шу воқеаларни эслашга зарурат бормикан деб. Бугунги истиқлол кунларини аниқламоқ учун, Ватан, халқ озодлигини ҳис қиламоқ учун ўтмишни биламоқ керак, тарихни ўқимоқ, зарур ҳулосаларни чиқармоқ керак. Бирини мен тилга олган таълими соҳасида мустақиллик йилларида қандай ишлар қилинган, нималарга эришилганини уша замоналар билан солиштириб қуринг. Сузимиздаги ҳикмати аниқлаш-сиз. "Таълим тизимини" ги ҳамда "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" қонунларининг нечога аҳамиятли эканлиғи, ва айниқса уларнинг мустақиллик шарофати боис юзага келганини ҳар биримиз яқини аниқлашмиз. Бу ҳақда қўнқ миқсоқлар келтириш ва гапиртиш мумкин. Бирок, тарих, ўтмиш ҳодисаларига теран қуз билан қарамок, сабоқ чиқармоқлиғини унутмаслик зарур.

Насриддин РАҲМОНОВ, фахрий педагог

КУТУБХОНАЧИПАР БЕПЛАШУВИ

Китоб инсоннинг энг яқин дўсти эканлиғи сир эмас. Яқинда Фафур Гулом номидаги виллоят болалар кутубхонасида зиё маскани ҳодимлари — воҳа болалар кутубхоначилари ўртасида "Кутубхона — нурхона" деб номланган кўрик-танлов ўтказилди.

Танловда ўз касбининг моҳир усталари ўзаро беллашдилар. Шартга қўра, қатнашчилар касбини улуғлаш, кутубхона иши ҳақида мукаммал билим ҳамда бекалик маҳоратларини намойиш этишди. Ўзининг зукколиги билан ажралди турган Шўрчи туман болалар кутубхонаси кутубхоначиси Соҳида Азимжоновна голиб чиқди. Термизлик Гулсора Холмуродова ва шерободлик Дилором Улуғбоевларга 2-ўрин насиб этди.

Ҳолилар виллоят маданият ишлари бошқармаси томонидан фахрий ёрлқ, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Сурхондарё виллояти, "Туркистон-пресс"

Bolalar bog'chalarida

ТАБИАТНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ

— Табиат нима, болажонлар? — деди тарбиячи.
— Олимлар кўли билан несламан нарса бу табиатлар. Унга ямшил дараклар, тоғу тошлар ва бошқалар кирди, — деди Бехжол.
— Тури. Экология нима?
— Табиатни асраш, муҳофиза қилиш, зарари чиқиндилардан тозалаш — деб жавоб берди Шоира.
— Баракалла. Уни қандай асраш керак?
— Барглари екмаслик, завод-фабрикалардан чиққан чиқиндиларни сувга оқизмаслик, гул ва кўшларни парвариш қилиш керак, — деди Бехжол.
— Болалар расмда курсатилган турфа гулларнинг номларини ва даракларнинг қурилишга қараб фаслларни аниқлаб бердилар. Мева данакларидан унинг — тилос, олча, урик эканлигини баён этидилар.

да устиши, ундан енгил санаотда нималар ишлаб чиқарилиши, ипак кўри хамда пилладан қандай маънолар ишлаб чиқарилиши ҳақида тула маълумот берилган.
Хозирги вақтда қайси қўшлар, хайвонлар, усимликлар "Қизил китоб"га киритилгани ҳақида стеид ҳам талқинланган.
"Хавони муҳофиза қилиш" стеидда Ўзбекистонда ушбу нинга йилга неча млрд. сум ажратилгани ва бу борада қандай тадбирлар амалга оширилгани қайд этилган.
Шунингдек, чулда усалиган лоринор гиехлар, дараклар барглари, гербарий таърифланган.
Машулотларда ана шу усимликлар ҳақида тушунча берилиб, болаларнинг билим доиралари кенгайтирилди.
Богчадаги маънавий хонаси асосан тарбиячи ва ходимлар учун хизмат қилиди. Аввало, тарбиячи маънавийли бўлиши керак. Тарбиячилар болалар дам олаётган паллада Алишер Навоий, Аб-Бухорий, Нақибанд, Яссавий, Улугбек, Авлоний сингари буюк алломалар ҳаёти хамда асарлари билан танишиб, эрликларига биргаикла сениари таърифлайдилар.



"Бола бошидан" деган нақлни ҳамма, жумладан, болалар билан ишловчилар — тарбиячилар чуқур англашлари лозим. Болани дунё билан юзма-юз қилиб, унинг сир-синоатларини таништириб бориш мумкин. Бунда турли ўйинлар қўл келиши, шубҳасиз.

Суратларда: Тошкент шаҳридаги 146-«Гулдаста» болалар богчаси тарбиячиси Зилюла Оқилова тасвирий санъатдан (юқорида) ва Насиба Аҳмедова математикадан машғулот ўтаётган дақиқалар акс этган.

Р.АЛБЕКОВ олган суратлар.

Anjuman

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетиде ёш олимлар ва талабаларнинг "Аждодлар маънавий мероси ва бугунги ёшлар" мавзусида илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Анжумани университет ректори, профессор Ж.Буранов кириш сузи билан очар экан, бобокалонларимиз руҳи ҳар қачон биз билан бирга эканлигини таъкидлади. "Уларнинг маънавий мероси ёшлар қалбига порлаб турган маёқдир", — деди нотик. Илмий анжуманда тарих фанлари доктори Д.Бобонова, аспирант Б.Жураева, магистратура толиби Б.Сулaimинова, талабалар Х.Азизов, А.Фармонов, М.Коржонов, Ю.Хабидулина, Д.Рустамова, И.Қариев ва бошқалар соғлом авлод тарбиясининг маънавий

АЖДОДЛАР БИЗ БИЛАН

асослари, шарқ алломаларининг жаҳон фани тараққийдаги урни, бугунги ёшлар шижоатида аждодлар руҳининг акс этиши хусусида тўхтадилар. Амир Темури давлати ёшлар наздида, Жалолидин Мануберди ҳаётининг илмий адабиётида урганилиши, "Ал-поминиш" достонининг немислиги таржимаси, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий ҳаёти ва ижодий фаолиятини турғисидаги маърузалар ҳам анжуман аҳамиятини оширди. Илмий анжуманда Темурийлар тарихи давлат музеининг бўлим бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор И.Жабборов, Амир Темур халқаро жаамгармасининг раиси ёрдамчиси И.Ниёзов ўз фикр-мулохазалари билан уртқолашдилар.
Умида НИШОНОВА, Дилдора МУХАММАДЖОНОВА, ЎзДХТУ қошидаги академик лицейнинг 11-синф ўқувчилари

РЕЙТИНГ: СИНОВ ҚАНДАЙ КЕТАЯПТИ

(Боши 1-бетда)
2-вариантдаги камчиликлар сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин. Барча ўқувчиларнинг буйича максимал балл ҳар хиллиги ўқувчилар ва ота-оналар орасида чақаштиришларни келтириб чиқаради. Хафталик дарс соати 2, 3, 4, 5 ва ундан ортиқ ўқувчилардан ҳам умумий балл 100 баллни ташкил этса, қулай бўлади. Бу вариант буйича ҳар бир ўқувчилардан суровлар чеклаб қўйилган. Синфдаги барча ўқувчилардан бир хил суров керак. Бу эса интилувчан ўқувчиларнинг шаштини пасайтириб қўяди. Яна бир муҳим камчилик — дарсга узрли сабаб билан келмай қолган ўқувчилар учун белгиланган балл йиғиш муаммо бўлади.
Умуман, ўқувчилар билимини баҳолаш рейтинг тизимининг иккада вариантда ҳам қатор афзаллик ва камчиликлар мавжуд. Тажриба-синов ишларининг биринчи ярим йиллигида аниқланган камчиликлар бартараф қилинса, афзаллик томонлари кучайтирилса, синовга қўйилган иккада вариантини ҳам қабул қилса бўлади. Балки, ўқувчилар охирида синов натижалари асосида иккада вариантдан битта мукаммал рейтинг тизими яратилиши мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда, якуний тақлиф ва мулоҳазаларни бидирмоқчиман.
Биринчидан, ҳар бир назорат шакли буйича максимал балдан ташқари барча меъёрлар аниқ ишлаб чиқилиши зарур. Иккинчидан, ҳар иккада вариант буйича чорак баҳоларини ҳисоблашга куп вақт сарфланмоқда, имкони борича бу рейтинг тизими содаллаштирилиши керак. Учинчидан, рейтинг тизимини назарда тутган ҳолда ўқувчилардан тақвимий-маънавий режалар, оралик назорат учун тест топириқлари тўплами, турли методик тавсия ва қўлланмалар яратилса, дарсликлар ҳам рейтинг тизимини назарда тутган ҳолда қайта қуриб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.
Уйлайманки, юқорида бидирилган фикрлар ҳисоба олиниб, рейтинг тизими такомиллаштирилса, ҳамда уни қўллаш учун ўқув методик материаллар билан таъминланса, кутилган натижаларга эришилади. Зеро, баҳолашнинг рейтинг тизими пировард натижада таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши керак.
Мамлакат АЗИМОВА, Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 5-мактаб экспериментатор ўқитувчилар гуруҳининг раҳбари

Xotira

Мен куп йиллардан бери Приморья ўлкаси Михайловка қишлоғида истикомат қилувчи, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Григорий Петрович Сидоренко билан хат ёзишиб тураман. Бунинг маълум сабаблари бор, албатта. Г.Сидоренко ўзбек халқининг оташин шоири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ўғли Аббос Ниёзов билан бирга фронтда жанг қилган қуролаш дўстларидан биридир. Бизнинг танишувимизга Владивостокда чиқадиغان "Красное Знамя" рўзномасида босилган менинг

МАҲОРАТ БАҲСИ

Яқинда Қошқадарё вилояти болалар ва ўсмирлар ижодкорлик марказида мактаб ва мактабдан ташқари қўшимча таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган тўғарақ раҳбарларининг вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ижодкорлигини ёшларга етказувчи тўғарақ раҳбарлари педагогик маҳоратини, ижод қирраларини илғаб олиш, диққатга сазовор жиҳатларини ўрганиш ва оммалаштириш ушбу танлов диққат марказида бўлди. Кўрик-танловда 20 нафар тўғарақ раҳбарлари реферат, тест синови, ўз шахсини таништириш муаммоли вазиятдан қишиш ва тўғарақ машғулоти ўтиш каби шартлар буйича баҳолашдилар. Танловда барча иштирокчилар ҳам ўз сабабини муносиб устаси эканликларини моҳирлик билан намойиш қилишди. Ҳақамлар хулосасига кўра, Косон туманидаги ўқувчилар саройи "Миллий каштачилик" тўғараги раҳбари Раъно Эсонова биринчи, Қарши шаҳридаги Ф.Ғудом номли мактаб "Мушиқа" тўғараги раҳбари Абдужаббор Раҳмонқулов иккинчи, Китоб туманидаги ўқувчилар саройи "Зардқалик" тўғараги раҳбари Манзура Исломова учинчи ўринни қўлга киритишди. Ғолиблар вилоят халқ таълими бошқармасининг "Фахрий ёрлиғи" ва ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

ЎШАНДА У 18 ЁШДА ЭДИ

Шоир васият қилганидек" сарлавҳали мақолам сабабчи бўлган. Мақола билан танишгач, Григорий Петрович менга мактуб йўллади. Шундан сўнг бир-биримизга дўстона мактублар йўллаб, дўстлашиб кетдик. У зиннинг хатларида Аббос Ниёзовнинг аскарлик ҳаёти, жасорати ҳақида янги-янги маълумотларни хабар қилар эди. Ана шу хатларни жамласак қуйидагича ҳикоя юзага келади:
"... Мен армия сафида 1942 йилнинг январь ойида қақрилай, март ойида фронтнинг олдинги чизигига етиб бордим, — деб ёзади Г.Сидоренко. — Олиб борилган жанглардан бирини ярадор бўлиб, госпиталда тушдим. Даволаниб чиққач, Москвага кичик командирига тайёрлаш курсига ўқираш юбориш

МАЪНАВИЙ ПУКЛИК

Ҳар бир замонда кишилар ўз келажак авлодларининг соғлом, виждони, имони, меҳнаткаш, бир сўз билан айтганда, пок инсон бўлиб етиштиларини орзу қилганлар ва шунга интилиб яшаганлар. Айни шу орзу-тиямаларни ифодаловчи халқ эртаклари, достонлари юзага келган, болани қомил инсон қилиб тарбиялаш мақсадида қобусномалар яратилган. Шунинг учун ҳам ўтмиш меросининг, қадриятларимизни аниқ ўрганиш — замон талабига айланган.
Жамиятимизда кишиларнинг маънавий жиҳатдан ҳам бой бўлишлари учун жуда катта ишлар қилинмоқда. Маънавият тарғиботида матбуотнинг амалга ошираётган ишлари диққатга сазовордир. Мактабда одобнома дарсликлари утилоқда. Тарбиявий соатларда ўқувчиларнинг маънавий пуқлик тўғрисидаги тасавури шаклланмоқда.

Ta'kid

Бозор иқтисодиёти шароитида савдо билан шугулланган кишилар сони ортди. Албатта, бу соҳада баъзан ёлғонни чин қилиб кўрсатишга уринадиганлар учраб туради. Халқимизда "Икки ёлғон — бир қасам", деган ҳикमत бор. Савдо-сотиқда ёшларнинг иштирокида эҳтиёт бўмоқ, ҳар қадамда уларнинг тўғриси ва ҳалолликка роя этишларини назорат этиш лозим. Улар ёлгонга одатланиб қолмасинлар.
Шунингдек, ҳозирги пайтда қадимда катта айб саналган судхўрлик, яъни маълум муҳлатга пулни фонзи билан қарз бериш каби фойда топиш йўллари одатга кирмоқда. Бу йўл маънавиятга салбий таъсир қилишини ёшларга тушуштириб бериш лозим. Умуман, ёш

КУТУБХОНА — БИЛИМ ЮРТИНИНГ ЮЗИ

Кутубхона — бу имфан даргоҳининг маънавий бойлиги, бешиги ҳисобланиб, талаба-ёшларнинг билим олишга қизиқишига ва уни чуқурроқ урганишга катта ёрдам беради.
Шундай экан кутубхоналар шароитини яхшилаш, жавонларни ҳар доим янги-янги китоблар билан бойитиш ва албатта, талабалар учун зарур бўлган китобларни етказиб бериш илм масканидаги доимий вазифа ҳисобланади. Шу муносабат билан қуни-кеча Республика илмий-педагогика кутубхонасида "Педагогика ўқув юртлари кутубхоналари ишини ташкил этиш ва унга қўйилаётган ҳозирги давр талабалари" мавзусидаги педагогика ўқув юртлари кутубхоначи-ҳодимларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.
Икки кунлик ушбу семинар-кенгашнинг дастлабки яили мажлисида асосан педагогика ўқув юртлари кутубхоначи-ҳодимларини қийнаётган баъзи муаммолар, жумладан узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва

ТАЛАБАЛАР УЧУН АЖОЙИБ ТУҲФА

Мисрининг Ўзбекистондаги факулдуд ва мухтор элчиси доктор Мамдух Шавкий Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари билан техникавий ҳамкорлик жаамгармаси томонидан тақдим этилган китоблар мажмуасини Самарқанд ва Наманган Давлат Университетлари ҳамда Тошкент Давлат жаҳон тиллари университетларида фаолият кўрсатаётган араб тили ўқув марказларига ҳади этди. Мажмуада араб тилини ўрганиш учун зарур қондаларни ўзиде жаамлаган китоблар, энциклопедик асарлар, араб адабиёти тарихи, Имом Ал-Бухорийнинг "Саҳиҳ Ал-Бухорий" ҳадислар тўплами ва бошқа муҳим мабалаар ўрин олган.
Шунингдек, савдо халқаро арбитражининг Қоҳира бўлими ҳам умумий ва халқаро ҳуқуқ, савдо-сотиқ борасидаги қонунлар, савдо арбитражи ҳамда юриспруденциянинг бошқа соҳаларида оид адабиётлар, амалий қўлланмалардан иборат яна бир тўпламини Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институти учун зарур қондаларни ўзиде жаамлаган китоблар, энциклопедик асарлар, араб адабиёти тарихи, Имом Ал-Бухорийнинг "Саҳиҳ Ал-Бухорий" ҳадислар тўплами ва бошқа муҳим мабалаар ўрин олган.
Шунингдек, савдо халқаро арбитражининг Қоҳира бўлими ҳам умумий ва халқаро ҳуқуқ, савдо-сотиқ борасидаги қонунлар, савдо арбитражи ҳамда юриспруденциянинг бошқа соҳаларида оид адабиётлар, амалий қўлланмалардан иборат яна бир тўпламини Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институти учун зарур қондаларни ўзиде жаамлаган китоблар, энциклопедик асарлар, араб адабиёти тарихи, Имом Ал-Бухорийнинг "Саҳиҳ Ал-Бухорий" ҳадислар тўплами ва бошқа муҳим мабалаар ўрин олган.
"Туркистон-пресс"

Баҳром БҮРОНОВ, Ички ишлар хизмати фахрийси
П.КАРИМОВА, вилоят болалар ва ўсмирлар ижодкорлик маркази "Фан ва экология" бўлим мудири

Раҳматулла ҲАМИДОВ, Қашқадарё вилояти Қасби туманидаги лицей-интернат физика фани муаллими
Алифбосида чиқапти. Шу муносабат билан барча ўқитувчилар тезроқ қрилла ёзувидан лотин ёзувиге ўтиб, уни ҳар томонлама мукамал урганишлари лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Негаки, янги алифбонинг ўзлаштирилмаганлиги куп ҳолларда ўқувчилар билимига сезиларли салбий таъсир этмоқда.
Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг гуллаб яшнаши, гуркираши учун хизмат қилувчи талабачан ёшлар бисёр. Шундай экан, уларнинг ўқишлари, урганиши учун энг аввало кутубхоналар ўқувчи-ёшлар хизматида бўлиб, уларнинг дунёқарашларини янада ривожлантиришга, келажакда муносиб инсонлар бўлиб етишларига хизмат қиломоғи лозим.
Беҳбуд БОТИРОВ, "Маърифат" музбири

